



Тошкентда
Ўзбекистон
«Адолат»
социал-
демократик
партиясининг
таъсис
Қурултойи
бўлиб ўтди.
* * *
В Ташкенте
прошел
учредительный
съезд социал-
демократической
партии
Узбекистана
«Адолат».



СУРАТЛАРДА: Қурултойдан лавҳалар.

Тасвирчи А. КОНДРАШКИН.

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТАЪСИС ҚУРУЛТОЙИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

1995 йил 18 февраль кунини Тошкентда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси таъсис қурултойи бўлиб ўтди. Қурултойни партия ташкилий қўмитаси раиси, «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг бош муҳаррири Анвар Жўрабоев очди.

Сўнг қурултой маъдан (ваколат) комиссияси раиси, 1-Тошкент тиббиёт институти ректори Турғунпўлат Даминовнинг ахбороти тингланди. Қурултойга сайланган 187 нафар делегатдан 185 нафари иштирок этди. Маъдан комиссияси раиси партияни тузиш бўйича ташаббус гуруҳи маъдан сайланган 21 нафар делегат ваколатини қурултойдан тасдиқлаб беришни сўради. Қурултой уларни бир овоздан ваколатли деб топди.

Делегатлар қурултой кун тартиби, президиуми, санок комиссияси, котибияти ва тахрир хайъатини сайлади.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ташкилий қўмитаси раиси А. Жўрабоев партиянинг маъсад ва вазифарлари ҳақида маъруза қилди.

Маъруза юзасидан Тошкент шаҳар «Конструктор» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори А. Гуломмахмудов, Қашқадарё вилояти Китоб туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Х. Жаббарова, Тошкент давлат университети ректори Т. Жўраев, Самарқанд вилояти кўчмас мулк биржасининг директори С. Одилов, Навоий вилояти Конимех тумани марказий касалхонаси шифокори Б. Шоназаров ва бошқа делегатлар сўзга чиқдилар.

Шундан сўнг Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясини тузиш ҳақидаги масала овозга қўйildi. Қурултой партияни тузиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ташкилий қўмита аъзоси, ҳуқуқшунослик фанлари доктори Ҳ. Бобоев партия Дастури ва Низоми лойиҳалари хусусида маъруза қилди.

Тошкент давлат юридик институти ректори Ш. Уразаев, Уртачирчиқ туманидаги

Ким Пен Ха номли халқ корпорацияси президенти Т. Мадёров, Урта ва кичик бизнесни ривожлантиришга кўмаклашувчи республика жамғармаси раиси Д. Камолов, Қорақалпоғистон давлат педагогика институти ректори, ЎзФА муҳбир аъзоси Ж. Бозорбоев ва бошқа делегатлар сўзга чиқиб, партия Дастури ва Низоми лойиҳалари хусусида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар. Партия Дастури ва Низоми делегатлар томонидан билдирилган таклифлар инобатта олинган ҳолда қабул қилинди.

Делегатлар партия сиёсий Кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларини сайлади.

Ташкилий қўмита раиси А. Жўрабоев партиянинг ўз нашри — газетаси бўлиши ҳақида гапирди. Ва бу таклиф бир овоздан маъқулланди. «Адолат» ҳафталик газетасини таъсис этиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Қурултой Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг резолюция ва мурожаатномасини қабул қилди.

Шу билан Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси таъсис қурултойи ўз ишини якунлади.

Шу кунини Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг биринчи пленуми бўлиб ўтди. Унда, асосан, ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

Пленумда партия Сиёсий Кенгаши хайъати ва Котибияти сайланди.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг биринчи котиби этиб Анвар Жўрабоев, иккинчи котиби этиб Абдували Гуломмахмудов сайланди. Наҳиддин Комилов, Халимбой Бобоев ва Улғубек Дониёровлар партия Сиёсий Кенгашининг котиблари этиб сайландилар.

Шу билан Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг биринчи пленуми ўз ишини тугаллади.

ИНФОРМАЦИЯ ОБ УЧРЕДИТЕЛЬНОМ СЪЕЗДЕ СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИЧЕСКОЙ ПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА «АДОЛАТ»

18 февраля в Ташкенте был проведен учредительный съезд социал-демократической партии Узбекистана «Адолат». Съезд открыл председатель организационного комитета, главный редактор газет «Халк сузи» и «Народное слово» Анвар Джурабаев.

Была заслушана информация председателя мандатной комиссии, ректора I-го Ташкентского медицинского института Турғунпўлат Даминова. Из избранных 187 делегатов в работе съезда приняло участие 185 делегатов. Председатель мандатной комиссии также предложил съезду утвердить полномочия 21 делегата, входящих в инициативную группу «Ташаббус» по созданию партии. Съезд единогласно поддержал данное предложение.

Делегаты съезда утвердили повестку дня, избрали президиум, счетную комиссию, секретариат и редакционную группу.

С докладом о целях и задачах социал-демократической партии Узбекистана «Адолат» выступил председатель оргкомитета А. Джурабаев.

В прениях по докладу выступили генеральный директор республиканского НПО «Конструктор» А. Гуломмахмудов, председатель комитета женщин Kitabского района Кашкадарьинской области Х. Жаббарова, ректор Ташкентского государственного университета Т. Джураев, директор Самаркандской областной биржи недвижимости С. Одилов, врач Канимехской центральной районной больницы Навоийской области Б. Шаназаров и другие делегаты.

После обсуждения был поставлен вопрос об учреждении социал-демократической партии Узбекистана «Адолат». Съезд единогласно принял положительное решение по данному вопросу.

Член оргкомитета, доктор юридических наук Х. Бобоев выступил с изложением содержания проектов Программы и Устава партии.

При обсуждении этих документов выс-

тупили ректор Ташкентского государственного юридического института Ш. Уразаев, президент народной корпорации имени Ким Пен Ха Уртачирчикского района Т. Мадёров, генеральный директор Фонда содействия развитию малого и среднего бизнеса республики Д. Камолов, ректор Каракалпакского государственного педагогического института Ж. Базарбаев и другие делегаты.

Делегаты съезда с учетом высказанных замечаний и предложений приняли Программу и Устав партии.

Делегаты избрали членов Политического совета и Ревизионной комиссии.

Председатель оргкомитета А. Джурабаев внес предложение о создании печатного органа партии. Это предложение было поддержано. Было принято решение об учреждении еженедельной газеты «Адолат».

Съезд социал-демократической партии Узбекистана «Адолат» принял резолюцию и обращение к народу Узбекистана.

На этом учредительный съезд социал-демократической партии Узбекистана «Адолат» завершил свою работу.

В этот же день состоялся первый пленум Политического совета социал-демократической партии Узбекистана «Адолат». На нем были рассмотрены организационные вопросы.

На пленуме были избраны президиум Политсовета и Секретариат.

Первым секретарем Политсовета социал-демократической партии Узбекистана «Адолат» избран Анвар Джурабаев, вторым секретарем — Абдували Гуломмахмудов. Наҳиддин Комилов, Халим Бобоев и Улғубек Даниёров избраны секретарями Политсовета партии.

На этом первый пленум Политического совета социал-демократической партии Узбекистана «Адолат» завершил свою работу.

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ТАЪСИС ҚУРУЛТОЙИ ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон мустақиллигини мустақамлаш, республикада демократияни ривожлантириш, ҳуқуқий давлат қуриш жараёнларини янада тақомиллаштириш, қонун устиворлигини таъминлаш маъсадларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси тузилсин.
Тошкент шаҳри, 1995 йил, 18 февраль.

УЧРЕДИТЕЛЬНЫЙ СЪЕЗД СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИЧЕСКОЙ ПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА «АДОЛАТ» ПОСТАНОВЛЯЕТ:

В целях дальнейшего укрепления независимости Республики Узбекистан, развития принципов демократии, содействия построению правового государства, обеспечения верховенства закона организовать социал-демократическую партию Узбекистана «Адолат».
г. Ташкент, 18 февраля 1995 г.

Жанат берилмаган ўстиворлик
Ўзбекистоннинг давлат ҳуқуқий асоси бўлиб қўйилган
ГУВОҲНОМА

№ ...

Қўрилган жой: Тошкент, ...

СВИДЕТЕЛЬСТВО
о регистрации устава общественного объединения

№ ...

Изначально образовано: Социал-демократическая партия Узбекистана «АДОЛАТ»

Местонахождение: Республика Узбекистан, г. Ташкент, ...

Учредительный орган объединения: Съезд Политического Совета социал-демократической партии Узбекистана «АДОЛАТ»

Дата регистрации: ...

Учредительный орган объединения: ...

Республика Узбекистан

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЁСИЙ КЕНГАШИ

1. Абдиров Чаржау, Қорақалпоғистон Республикаси экспериментал ва клиник тиббиёт илмий текшириш институтининг директори.

2. Аҳмадова Муқаррамхон, Тошкент шаҳар «Файз» акционерлик жамъияти раиси.

3. Азимов Рустам, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқаруви раиси.

4. Аҳадов Абдурафиқ, «Ўздеҳқон-саноатбанк» бошқарувининг раиси.

5. Аҳадов Маҳмуд, Наманган шаҳар 1-худудий тиббиёт бирлашмаси бўлим мудири.

6. Аҳматов Гулмурод, Сурхондарё вилоят Ангор тумани халқ таълими бўлимининг мудири.

7. Бегалиев Рустам, Сурхондарё вилоят, «Саноатсавдо» концерни раиси.

8. Бегматов Шухрат, «Қаршиқурилиш-индустрия» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори.

9. Бобоев Ҳалимбой, Тошкент давлат юридик институтининг проректори.

10. Бобоев Мўмин, Жиззах шаҳар «Бизнесфонди» раиси.

11. Вакилов Муҳаммадносир, «Ўзбекнефтгазкомплект» бирлашмаси бош директорининг ўринбосари.

12. Давидов Евгений, «Ташсельмаш» заводи ишчиси.

13. Даминов Турғунпўлат, 1-Тошкент тиббиёт институтининг ректори.

14. Дониёров Улуғбек, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди.

15. Дю Георгий, Самарқанд шаҳар-созлик ва меъморчилик бошқармаси бошлигининг муовини.

16. Ёқубов Юсуф, Навоий суғ маҳсулотларини қайта ишлаш ҳиссадорлик уюшмаси раиси.

17. Жабборова Ҳосият, Китоб тумани хотин-қизлар кўмитаси раиси.

18. Жўрабоев Анвар, «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг бош муҳаррири.

19. Жўраев Тўхтамурод, Тошкент давлат университети ректори.

20. Зинин Сергей, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши кўмитаси масъул котиби.

21. Исмоилов Мусо, Қува тумани мебель комбинати директори.

22. Камолов Дилшод, Ўрта ва кичик бизнесни ривожлантиришга кўмаклашувчи республика жамғармасининг бош директори.

23. Комилов Нажмиддин, Шарқшунослик институти кафедра мудири.

24. Лейдерман Александр, Фарғона вилоят наркологик диспансерининг бош шифокори.

25. Мадиев Турғунбой, Ўртачирчиқ тумани Ким Пен Хва номли халқ корпорацияси президенти.

26. Матеков Кеулимжай, Қорақал-

поғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари.

27. Норбоева Шарофат, Ангор тумани, боғча мудири.

28. Нурматов Низомиддин, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Котибиятининг катта референти.

29. Расулов Ўткир, ЎзФА «Электроника» институтининг директори.

30. Раҳимов Акбархўжа, «Ўзбекнефтгаз» корпорацияси раисининг биринчи ўринбосари.

31. Раҳмонов Иброҳим, Фарғона вилояти, Риштон туманидаги 51-мактаб директори.

32. Раҳмонкулов Мирақбар, Жаҳон иқтисодиёт ва дипломатия университетининг кафедра мудири.

33. Сидиков Георгий, Янгибод «Восток» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори.

34. Содиқова Мўтабар, Пахтакор туман марказий касалхонаси бош шифокорининг ўринбосари.

35. Солиҳов Шавкат, ЎзФА «Биоорганика» институтининг директори.

36. Сотиболдиев Иброҳимжон, «Андижоннома» газетаси бош муҳаррирининг ўринбосари.

37. Турсунов Ўқтам, Бухоро вилояти Пешку тумани халқ таълими бўлими раиси.

38. Фозилов Фулом, Сирдарё туман «Марказий Осиё» корпорацияси раиси.

39. Шаропов Пўлат, Бухоро тумани «Юрунболо» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси.

40. Шоназаров Бектош, Конимех тумани марказий касалхонаси шифокори.

41. Эгамов Рустам, Янгиариқ туманидаги «1-Май» жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси.

42. Юсупов Алижон, Ўзбекистон «Тадбиркорбанк» бошқарувининг раиси.

43. Юсупов Шухрат, «ЎздЭУавто» кўшма корхонасининг директори.

44. Ўразаев Шавкат, Тошкент юридик институтининг ректори.

45. Ўтамов Жумабой, Хоразм вилояти агросаноат уюшмаси раиси.

46. Қаршибоева Дилфуза, Сирдарё вилоят Ёшлар иттифоқи кўмитасининг бўлим мудири.

47. Қосимов Акмал, Андижон давлат университети ректори.

48. Қосимов Содиқжон, Тошкент давлат техника университети проректори.

49. Курбоналиев Ҳасанбой, Учқўрғон тумани 20-мактаб директори.

50. Қиличев Орифжон, Самарқанд кимё заводи директори.

51. Фуломмаҳмудов Абдували, «Конструктор» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори.



Курултой делегатлари.

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ- ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЁСИЙ КЕНГАШИ ҲАЙЪАТИ

1. Абдиров Чаржау
2. Бобоев Ҳалимбой
3. Дониёров Улуғбек
4. Жўрабоев Анвар
5. Жўраев Тўхтамурод
6. Камолов Дилшод

7. Комилов Нажмиддин
8. Мадиев Турғунбой
9. Раҳимов Акбархўжа
10. Юсупов Алижон
11. Фуломмаҳмудов Абдували

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ — ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЁСИЙ КЕНГАШИ КОТИБИЯТИ

1. Жўрабоев Анвар
2. Комилов Нажмиддин
3. Фуломмаҳмудов Абдували

4. Бобоев Ҳалимбой
5. Дониёров Улуғбек



Курултой делегатлари.

Энг муҳим вазифа — халқчил, адолатпарвар жамиятни вужудга келтириш. Бу жамият пойдеворини, аввало, меҳнат қадрини биладиган, маънавий соғлом ва маданий савияси баланд минглаб ва миллионлаб оилалар ташкил этади.

Мухбиримиз Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг таъсис курултойи делегатларининг Курултой ҳамда партия Дастури ва Низоми лойиҳалари ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан қизиқди.

СЎЗ — ДЕЛЕГАТЛАРГА

Жамол РУСТАМОВ, Самарқанд вилояти, Пастдарғом туманидан:

— «Адолат» социал-демократик партиясининг ташкил этилиши — бу давр талаби. Унинг Дасту-

ри ва Низоми лойиҳалари билан яна бир бор, яқиндан танишганимдан кейин менда «Адолат» ўз номини оқлайдиган партия бўлади, деган қатъий ишонч пайдо бўлди.

Йўлдош ХУДОЙБЕР-

ГАНОВ, Олий Мажлис депутати, Хоразм вилояти Урганч шаҳри:

— Партиянинг «Адолат», деб номланиши бежиз эмас. Бу унинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда калит восита-

сини ўтайди. Менга партиянинг Дастур ва Низоми лойиҳалари жуда маъқул бўлди. Ана шундан келиб чиққан ҳолда айтишим мумкинки, партиянинг келажаги Ўзбекистоннинг келажаги каби порлоқ бўлади.

Файзулло БОБО ДЎСТ
ёзиб олди.

Ўзбек диёрида бошланган демократик жараён, қонунларни ҳаётга тадбиқ қилиш осонликча кечаётгани йўқ. Уларга тоталитар тузимдан сақланиб қолган боқимандалик, қонунларга лоқайдларча муносабат, амалпарастлик, маъсулятсизлик каби иллатлар тўсқинлик қилмоқда.

Ижтимоий онг янгилашиб, янги ижтимоий қатламлар шаклланди. Бу эса ўз навбатида янги муаммоларни келтириб чиқармоқда. Тобора чуқурлашиб бораётган демократик жараённи бошқаришда давлатга партиялар, жамоат ташкилотлари ёрдам беришлари зарур.


Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси мазкур дастурда таъкидлаганидек мамлакатимизда яшаётган фуқароларнинг фаровон ҳаёт кечиришларига хизмат қиладиган тадбирларни ишлаб, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашларида янги демократик дунёқарашни шакллантириш ва келажакда Ўзбекистонни ривожланган мамлакатлар даражасига кўтаришда халқимизнинг барча табақа ва қатламларини фаол иштирок этишга даъват қилади.

Ўзбекистон ўз муста-

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ДАСТУРИНИНГ БАЁНИ

қиллигини мустақамлаш йўлидан дадил бормоқда. «Адолат» социал — демократик партияси ҳозирги даврда давлатимизнинг миллий мустақиллигини мустақамлашга қаратилган ички ва ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлайди ва бу жараённи муваффақиятли амалга ошириш учун курашади. У миллий мустақиллик ғоясини тарғиб, ташвиқ ва ҳимоя қилишни ўзининг асосий вазифаси, деб билади. Фақат мустақил демократик-ҳуқуқий давлат атрофида жипслашган миллат ўзининг миллий қадриятларини тиклаш, ривожлантириш, тили, имон-эътиқоди, урф-одат, анъаналарини сақлаб қолиши ва дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлиши мумкин.

Партия мустақилликни мустақамлашни бош масала, деб билади. Фақат мустақиллик бор жойда инсон озод бўлиши мумкин ва шу озод ватанда ўзининг барча имконият-



ларини ишга сола олади. Мустақилликни ички ва ташқи душманлар хуружидан қўриқлайдиган, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликларини таъминлайдиган, барча миллат вакиллари, халқлари, партия ва жамоат ташкилотларини ана шу мақсад сари сафарбар эта оладиган сиёсий куч, аввало, миллий демократик-ҳуқуқий давлатдир.

Партия демократик давлат бошқарувини янада такомиллаштиришни долзарб масалалардан бири, деб ҳисоблайди. Давлат ҳокимияти органларига ҳалол-пок, ташаббускор, имонли, ўз ватани, халқини севган, фидойи, изланувчан кадрларни тайёрлаб етказишни ўзининг вазифаси, деб билади.

Партия республикада

Президентлик бошқаруви шаклини тағинда мустақамлашни ижтимоий зарурат, деб ҳисоблайди.

Партия аҳолини ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялашда қуйидагиларга эътибор бериш

керак, деб ҳисоблайди:

Биринчидан, ҳуқуқий таълим тизимини шакллантириб, барча аҳоли қатламлари ҳуқуқий онгини ривожлантириш тадбирларини белгилаш ва уни изчиллик билан амалга ошириши;

Иккинчидан, қонунларга нисбатан фуқароларда ҳурмат ва эътиқодни шакллантириш;

Учинчидан, уларда ўз ҳуқуқ ва бурчларини ҳимоя қила оладиган ва қонунбузарларга нисбатан муросасиз кураш олиб бориш туйғуларини ривожлантириш;

Тўртинчидан, мактабларда ҳуқуқшунослик фанидан дарс беришни ташкил этиш;

Бешинчидан, олий ва ўрта махсус ўқув юргла-

рида давлат ва ҳуқуқ асослари фанидан дарс беришни ташкил этиш;

Олтинчидан, оммавий ахборот воситалари орқали янги қонун ва фармонларни чуқур ва атрофлича шарҳлаш ва тунштириш ишларини олиб бориш.

Партия белгилаган иқтисодий стратегияни амалга ошириш жараёнида қуйидаги ҳолатларни ҳисобга олиш зарур, деб ҳисоблайди:

— Иқтисодий стратегияни амалга оширишнинг пировард мақсади жамият аъзоларининг турмуш фаровонлигини жаҳондаги ривожланган давлатлар даражасига етказиш;

— Иқтисодий устиворликни босқичма-босқич шакллантирилаётган бозор иқтисодининг энг муҳим шартига айлантириш;

— Том маънодаги тенг ҳуқуқли турли мулк шаклларида иборат аралаш иқтисодиётни вужудга келтириш;

— Ривожланган давлатлар даражасидаги илғор иқтисодий тизим ва инфраструктурани вужудга келтириш, шунингдек, қисқа муддатларда чет элга тайёр маҳсулот экспорт қилишга эришиш;

— Ўзида иқтисодий

(Давоми 4-бетда)

Низомда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Ўзбекистон Республикаси фуқароларини уларнинг манфаатлари ҳамда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, республика мустақиллигини мустақамлаш, Ватанга садоқатли хизмат қилиш ниятларидан келиб чиққан ҳолда тузилган сиёсий партиядир, деб белгиланган.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ўз Низоми, Дастури ва республиканинг бошқа қонунларига мувофиқ амалга оширади.

Партия фаолияти ўз-ўзини бошқариш, ошқоралик, қонунийлик, ҳайрихоҳлик, ўзаро ҳамкорлик, партия аъзоларининг тенг ҳуқуқлилиги тамойилларига асосланади.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг асосий мақсади-мустақил мамлакатимиз худудида яшаётган барча миллат ва элатларнинг умумий манфаатларига мос келадиган ҳуқуқий демократик давлат барпо қилиш, шунингдек, ижтимоий адолат ўрнатиш, инсон ҳуқуқлари эркинликлари ва бурчларини таъминлаш, маънавий ва материалистик кам-

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НИЗОМИНИНГ БАЁНИ

лотта эришган фуқароларнинг бахтли истиқболини таъминлашдир. Партиянинг асосий вазифаси эса:

— Ўзбекистон мустақиллигини мустақамлаш борасида демократик жараёнларни жадаллаштириш;

— Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш борасида ватанга садоқатли хизмат қиладиган кишиларни тарбиялаш;

— Ўзбекистон фуқароларига ўз қонуний ҳуқуқлари, эрк ва бурчларини англашга кўмаклашиш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий онгини, маданиятини ривож учун курашиш;

— Ўзбек халқининг миллий анъаналарига таянган ҳолда миллий қадриятларни тиклаш, бой маданий меросимизни ўрганиш асосида ёш авлодни тарбиялаш;

— Миллатлараро муносабатларни яхшилаш, дўстлик ва ҳамжиҳатликни ривожлантириш, ҳар қандай миллатчилик ғоясига қарши курашиш, тинчлик ва барқарорликни, миллий ҳамжиҳатликни тарғиб қилиш;



— Давлат тизимини такомиллаштириш, давлат ҳокимияти органларига имони пок, ўз ватани, халқини севадиган ва садоқат билан хизмат қиладиган мутахассис кадрлар ишлашига эришиш;

— Иқтисодий стратегияни ишлаб чиқиш ҳамда унинг амалга оширилиши учун курашиш;

— Республика фуқароларининг турмуш даражасини кўтариш, ижтимоий жиҳатдан муҳтож аҳолини муҳофазасини таъминлаш

борасида таклифлар ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишда қатнашиш;

— Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсида ўз ўрнини эгаллаш, дунёдаги илғор давлатлар билан халқаро ҳуқуқ талаблари асосида ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш учун фаолият кўрсатиш, миллий манфаатларга мос келадиган ташқи сиёсатни қўллаб-қувватлаш;

— Жаҳон социал-демократик ҳаракатлари, илғор қарашларга асосланган софдил ва эзгу ниятли бошқа ижтимоий ҳаракатлар, партиялар билан алоқа боғлаш.

Партиянинг олий органи — Курултой, қуйи органи эса бошланғич партия ташкилоти йиғилишидир. Умумий йиғилиш, мажлис, Кенгаш, Курултой партиянинг раҳбарий органларидир. Партиянинг барча органлари қуйидан юқоригача сайлаб қўйилади.

Партия ишлари ошқоралик, рўй-ростлик, ҳамжиҳатлик асосида олиб борилади.

Партия ташкилотлари ўз мақ-

сад ва вазифаларини амалга оширишда жамоатчиликка таяниб иш кўради.

Партия ўзининг сиёсий фаолиятини давлат ҳокимияти тармоқлари: қонун чиқарувчи — Олий Мажлис, ижро этувчи — Вазирлар Маҳкамаси ва Суд ҳокимияти органларида сайланган вакиллари орқали олиб боради.

Бошланғич партия ташкилотли партиянинг негизи ҳисобланади. Камида 5 нафар партия аъзоси бўлган тақдирда тегишли туман, шаҳар ташкилоти Кенгашининг бюроси томонидан рўйхатга олинади. Бошланғич партия ташкилотлари ўз таркибида зарур ҳолларда партия гуруҳларини тузишлари мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси партия ташкилоти Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг узвий бир бўғини бўлиб, партия тизимида ўзининг мустақил ўрнига эгадир.

Тошкент шаҳар партия ташкилоти вилоят партия ташкилоти ҳуқуқига эгадир.

Навбатдаги Курултой партия сиёсий Кенгаши қарори билан камида 5 йилда бир марта чақирилади.

Партия ўз байроғи, нишонини ва вимпелларига эга бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ МУРОЖААТНОМАСИ

Азиз ватандошлар!

Ўзбекистон халқи мустамлакачилик зулмидан озод бўлиб, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга бўлди. Мамлакатимизда халқимиз орзу қилиб келган демократик, ҳуқуқий адолатли давлат, фуқаролар жамиятининг қурилиши тез суръатларда амалга оширилмоқда. Унинг асрий орзу-ниятлари рўёбга чиқаяпти.

Аммо бу демократик жараён осонликча кечаётгани йўқ. Унга бир томондан, эски тоталитар тузумдан сақланиб қолган боқимандачилик, қонунга, мулкка лойқайдларча муносабат, буйруқбозлик, амалпарастлик, порахўрлик ва жиноятчилик каби иллатлар тўсқинлик қилса, иккинчидан, эркин бозор иқтисодий сиёсатига ўтиш натижасида пайдо бўлаётган янги муаммолар, шунингдек, собиқ иттифоқни қўсаб, «Конфедерация», «Евроазия», «Ҳарбий ҳамкорлик» каби «ғоя»ларни тўқиб чиқувчилар халақит бермоқдалар.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик пар-

тияси ўзининг мақсад ва вазифаларини социал-адолатли ғоялар, таълимотлар асосида яратилган Дастур ва Низомида эълон қилар экан, бу ҳаракатни республиканинг барча фуқаролари, табақалари ва жамоат ташкилотларини қўллаб-қувватлашга, олдига қўйган вазифаларни биргаликда амалга оширишга даъват этади, жамиятда ўтказилаётган иқтисодий, сиёсий, маънавий покланиш, янгиланиш жараёнига бевосита раҳбарлик қилаётган куч-ҳуқуқий давлат атрофига янада жипсроқ бирлашишга ва халқимизнинг фаровон ҳаёти учун курашда мудом фидокорона меҳнат қилиб, ўз шахсий ҳиссасини қўшишга чақиради.

Куч — адолатдадир!

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ТАЪСИС ҚУРУЛТОЙИ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил, 18 февраль.



ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ДАСТУРИНИНГ БАЁНИ

(Боши 3-бетда)

устиворлик ва умумдавлат манфаатларини уйғунлаштира оладиган янги иқтисодий тафаккурга эга тadbиркорлар қатламини шакллантириш.

Ижтимоий адолатни ҳаёлий назарияларни зўрлаб тикштириш, одамларни бир қолипга солишга интилиш орқали эмас, балки инсон табиати ава жамият қонунларидан келиб чиққан ҳолда иш кўриб, демократик институтларни мустақамлаш орқали жорий этиш мумкин. Бунинг маъноси шуки, мулкчиликнинг турли шакллари сақлаш, мулки, бойлиги йўқ одамларни қобилияти, истезодини ишга солиб, уларнинг мулк эгаси бўлишига шароит ва имконият яратиш, турли ижтимоий табақа тоифалари орасида қонун асосида келишув бўлишини таъминлаш лозим.

«Адолат» социал-демократик партияси турли ижтимоий табақа ва тоифаларнинг манфаатини ҳимоя қилади. Мулкчиликнинг жами шакллари бўлишини маъқул ҳисоблайди ва шунга эришишга интилади.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси бозор муносабатлари шароитида маънавий-ахлоқий му-

ҳитни соғломлаштиришни ниҳоятда муҳим ва зарурий соҳа ҳисоблайди. Демократия юксак онглилик, маънавий ахлоқий қадриятлар тўла амал қилувчи жамиятда қарор топади. Шахс камолоти миллат камолоти, халқ камолоти учун ёрдам бергандагина у бирон-бир ижтимоий аҳамият касб этади. Жамият ва шахс муносабатлари тараққиёт учун хизмат қилиши лозим. Бунинг учун ҳар бир жамиятда дунёқараш масаласига биринчи даражали аҳамият бериш керак.

Ахлоқ — маънавиятнинг ўзаги. Ахлоқий поклик бизга ота мерос хислат. Аммо ахлоқнинг негизини муайян олий қадриятга ишонч-муқаддас руҳ бўлган имон ташкил этади. Имонли одамгина ўзида ахлоқий фазилатларни муҳассамлаштира олади, ахлоқ эса ўз навбатида имон бутунлигини таъминлайди.

Партия республиканинг кўпчилиги аҳолиси қишлоқларда яшашни назарда тутган ҳолда, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиш, уларни қайта ишлаш, аҳоли орасида ҳунармандчиликни тараққий эттириш тарафдори. Қишлоқ жойларида ҳунар мактаблари, клублар очиш ва уларга ёшларни жалб этиш муҳимдир.

Қишлоқ аҳолисини маънавий-ахлоқий жиҳатдан янада соғломлаштириш, уларни маърифатдан кенгроқ баҳраманд этиш, турмушида туб бурилиш ясашга кўмаклашиш партиянинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Партия ўзининг ташқи сиёсат соҳасидаги фаолиятини давлат сиёсати ва халқаро ҳуқуқ нормалари асосида олиб боради. Барча давлатлар, халқлар билан тинч-тотув яшаш, улар билан илм, фан, савдо-сотиқ масалаларида ўзаро фойда кўриш мақсадида алоқаларни қўллаб-қувватлайди. Биринчи навбатда қўшни давлатлар, Марказий Осиёда вужудга келган янги суверен мамлакатлар билан алоқаларни яхшилашни мақсадга мувофиқ, деб билади.

Партия ушбу Дастурда ўзининг мақсад ва вазифаларини адолат тамойиллари асосида тузар экан, у истиқболда барча партия аъзолари ва унга хайрихоҳ табақаларни бу тарихий вазифаларни ҳамжиҳатлик асосида амалга оширишга даъват қилади.

СЎЗ — ДЕЛЕГАТЛАРГА

Омонжўл ХЎЖАМУРОДОВ, Қорақалпоғистон Республикаси, Тахтакўпир туманидан:

— Қисқа муддат ичида партиямизга хайрихоҳ сифатида 6 мингдан зиёд киши имзо чекибди. Бу жуда катта куч. Демак ундан кўп нарсаларни умид қилса бўлади.

Сайфиддин ЁҚУББЕКОВ, «Анджонқурилиш» трести бошқарувчиси:

— Мамлакатимизда гарчи айни пайтда иккита партия фаолият кўрсатаётган бўлса-да, лекин негадир менга шу кунгача ижтимоий ҳаётимизда қандайдир бўшлиқ бордай туюларди. Назаримда ана шу бўшлиқни бугун «Адолат» социал-демократик партияси тўлдиргандай бўлди. У ўз зиммасига жуда ҳам катта вазифаларни юклаган. Уни тўлатўқис амалга ошириш партия аъзоларидан фидойилик ва собит эътиқод талаб қилади.

Мусо ИСМОИЛОВ, Қува тумани мебель комбинати директори, Олий Мажлис депутати:

— Жаҳон сиёсатида социал-демократик партиялар нуфузли ўринлардан бирини эгаллайди. Модомики шундай экан, у ўз Дастурида белгилаганидек, ана шундай партиялар билан ҳамкорликда, қўлни-қўлга бериб ишлаши, Ўзбекистон тараққиётига жаҳон тажрибаларини ўзлаштирган ҳолда кўмак бериши лозим.

Хосият ЖАББОРОВА, Китоб тумани хотин-қизлар кўмитаси раиси:

— Мен республикамиздаги барча партияларнинг Дастури ва Низоми билан атрофлича танишиб чиққанман. Лекин биз муҳокама қилган Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Дастур ва Низоми улардан фарқ қилади.

Шу боис мен унга аъзо бўлиб кирдим.

И. НУСРАТ ўғли ёзиб олди.

«АДОЛАТ»

МУАССИС:

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши

Газетани Анвар ЖЎРАБОЕВ, Нажмиддин КОМИЛОВ, Ҳалимбой БОБОЕВ, Сергей ЗИНИН, Жалолиддин САФОЕВ, Эркин УМАРОВ, Исмат ХУДОЁРОВ, Низомиддин НУРМАТОВ, Фурқат Санаев тайёрладилар.

Нусхаси 5000.
Газета офсет усулида А-3
форматида босилди.

Рўйхатдан ўтин тартиби
№140